

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВА МАВЛУДА ФАЙЗУЛЛОЕВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФНОСТИЛИСТИК ВА
ГРАФОСТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ КОННОТАТИВ
МАЪНОЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Норова Мавлуда Файзуллоевна

Инглиз ва ўзбек тилларида фоностилистик ва графостилистик воситаларнинг
коннотатив маънолари 3

Норова Мавлуда Файзуллоевна

Коннотативные значения фоностилистических и графостилистических
средств в английском и узбекском языках 23

Norova Mavluda Fayzulloyevna

The connotative meanings of phonostylistic and graphostylistic means in the English
and Uzbek languages 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВА МАВЛУДА ФАЙЗУЛЛОЕВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФНОСТИЛИСТИК ВА
ГРАФОСТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ КОННОТАТИВ
МАЪНОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.1.PhD/Fil752 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ҳайдаров Анвар Аскарлович филология фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевна филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Маматов Абди Эшонкулович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил «05» май куни тарқатилди.

(2021 йил «05» май даги 4020 рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И.Расулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М.Жўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фонетика ва стилистика, графология ва стилистика кесишувида юзага келган фоностилистик, графостилистик ходисаларни замонавий ёндашувлар асосида кенг миқёсда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Коммуникатив жараёнда сўз ва грамматик шакллар вербаллашуви натижасида сўзловчининг нутқ предметига муносабати билан боғлиқ коннотатив, яъни қўшимча маъноларнинг воқеланиши тилшуносликнинг антропоцентрик йўналишлари доирасида изланишлар олиб боришни тақозо этади. Зеро, фоностилема ва графостилемаларнинг турли тизимли тилларда қўлланишини, нутқда коннотация яратишнинг социолингвистик, лингвомаданий механизмларини илмий-назарий аспектда қиёслаш лингвопрагматик мулоҳазаларга ечим топишда, халқаро алоқа ва ўзаро тушунишни оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослиги грамматологик концепциясида фоностилистика соҳасига оид сўз ва грамматик шаклларнинг талаффуз, ёзилиш вариантлари орқали ҳосил бўладиган коннотатив маънолар миқдори, таъсир кучи даражаси, уларнинг нутқдаги стилистик хусусиятлари бир қадар ўрганилган. Бироқ инглиз ва ўзбек тиллари тизимлариаро ҳар бир тилга оид турли коммуникатив вазиятларда фонетик ва график воситалар қўлланишининг прагматик шартланганлигини белгилаш, уларнинг инглиз ва ўзбек тиллари нутқий дискурсидаги коннотатив маъноларини қиёсий-типологик аспектда очиб бериш каби устувор йўналишлар мазкур воситаларнинг лисоний-структур, лингвостилистик, когнитив-дискурсив, контекстуал-оқказионал кўрсаткичларини илмий асослаш имконини яратади.

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар шароитида замонавий лингвистиканинг инсон омили таъсирида шаклланган прагмалингвистика, лингвокультурология соҳалари чегарасида юзага келган фоностилистика ва графостилистика тадқиқига катта эътибор берилмоқда. «Келгусида биз инглиз ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўрганишга катта аҳамият беришимиз зарур. Шу асосида иқтидорли ёшларга таълим бериш жуда муҳимдир»¹. Халқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ўрнатаётган халқаро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий, маданий алоқалари икки ноқардош тилнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали чоғиштира тилшунослик равнақига кенг йўл очишни таъминловчи тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шу маънода инглиз ва ўзбек тилларидаги коннотатив маъноларнинг ифодаланишини англаш, қиёсланаётган тиллардаги фонопрагматик муносабатларнинг товуш символизмида юзага чиқишини аниқлаш, коннотатив маъноларнинг серкирра табиатини изчил ўрганишни семиотик ва фоносемантик тадқиқотларда ёритиб бериш юзасидан илмий изланишларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь Олий Мажлисидаги нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 12. <https://uza.uz>

4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2021 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида сўз ҳамда грамматик шакллардаги коннотатив маъноларни ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, инглиз тилшунослигида С.Буллон, Т.А.Знаменская, А.Мехрабиан, И.В.Арнольдлар коннотатив маънонинг семантик ва фоностилистик хусусиятлари ҳақида фикр юритганлар².

Рус тилшунослигида В.И.Говердовский, Е.О.Аквазба, С.Ф.Барышева, З.А.Алымбаева, Г.В.Векшин, С.М.Гайдучик, О.П.Крюковаларнинг илмий изланишларида коннотатив маънонинг юзага келиш сабаблари, хусусиятлари, сўз ва грамматик шаклларнинг фоностилистик аҳамияти билан боғлиқ масалалар бир қадар ёритилган³.

² Bullon S. The Treatment of Connotation in Learners' Dictionaries // Proceedings of the Third EURALEX International Congress. – Budapest, Hungary: A'kad'emial Kiad'o, 1990. – P. 27-33.; Znamenskaya T.A. Stylistics of the English Language. – M.: Editorial URSS, 2004. – 208 p.; Mehrabian A., Piercy M. Differences in positive and negative connotations of nicknames and given names // J. of social psychology. – Provincetown, 1993. – № 5, Vol. 133. – P. 737-739.; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М.: Наука, 2002. – С. 209-221.

³ Говердовский В.И. История понятия коннотации // Филологические науки. – М., 1983. – № 2. – С. 81-86.; Аквазба Е.О. Денотация и коннотация в художественном тексте (на материале лексики растительного и животного мира в произведениях М.М. Пришвина): дисс. канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 221 с.; Барышева С.Ф. Фоностилистический потенциал сегментных звуковых средств // Верхневолжский филологический вестник. – 2018, – № 2. – С. 20-28.; Алымбаева З.А. Фоностилистические коннотации частоты созвучных звуков в художественном тексте // Вестник науки и образования. – 2018. – № 6 (42), Том 1. – С. 67-75.; Векшин Г.В. Фоностилистика текста: Звуковой повтор в перспективе смыслообразования: дисс. докт. филол. наук. – М., 2006. – 507 с.; Гайдучик С.М. Фоностилистический аспект устной речи: автореф. дисс. докт. филол. наук. – Л., 1973. – 45 с.; Крюкова О.П. Фоностилистические особенности ораторской речи: автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 1981. – 43 с.

Ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, Э.Қиличев, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиевлар томонидан ўзбек тили стилистикасига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этирилган ва уларда фоностилистикага оид дастлабки маълумотлар берилган⁴.

Умумстилистиканинг таркибий бир қисми сифатида фоностилистиканинг алоҳида мустақил ажралиб чиққанлигини, ўзига хос ўрганиш объекти мавжудлигини А.Абдуазизов қайд қилади⁵. С.Каримов эса фоностилистикага оид монография нашр қилдирган⁶. М.Йўлдошевнинг «Бадий матн лингвопоэтикаси» номли ўқув-услубий қўлланмасининг бир бўлими фонографик воситаларнинг семантик-услубий тадқиқига бағишланган⁷. М.Мамадалиева ҳамда Э.Қиличев, Б.Э.Қиличевларнинг илмий изланишларида сўз семантик структураси янада чуқур ўрганилиб, уларда денотатив ва коннотатив маънолар мавжудлиги аниқланди⁸.

Коннотатив маъно нафақат лексик бирликларда балки фонетик бирликларда ҳам ифодаланиши Г.Т.Яхшиева, А.А.Ҳайдаров томонидан ўрганилиб, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди⁹. Қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги фоностилистик воситаларни қиёсий ўрганиш К.О.Сапарова ва Б.З.Гафуровлар томонидан амалга оширилди¹⁰.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, инглиз ва ўзбек тиллари фоностилема ҳамда графостилемаларидаги коннотатив маънолар қиёсий аспектда монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари» (2017-2021 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тиллари фоностилистик ҳамда графостилистик воситаларидаги коннотатив маънолар ва уларнинг услубий хусусиятларини очиб бериш, қиёсий таҳлил қилиш ҳамда коннотатив

⁴ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

⁵ Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1985. – № 2. – Б. 24-28.

⁶ Каримов С. Ўзбек тилининг фоностилистикаси: Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2016. – 152 б.

⁷ Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – 160 б.

⁸ Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 1998. – 29 б.; Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2006. – № 6. – Б. 68-71.

⁹ Яхшиева Г.Т. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: филол. фан. номз. дисс. – Т., 1997. – 132 б.; Ҳайдаров А.А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: филол. фан. номз. дисс. – Т., 2009. – 136 б.

¹⁰ Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов): автореф. дисс. докт. филол. наук. – Т., 2009. – 50 с.; Гафуров Б.З. Отнинг сегмент фоностилистикаси тавсифининг қиёсий-чоғиштира ўрганилиши (рус, ўзбек, инглиз тиллари материаллари асосида): филол. фан. фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф. – Бухоро, 2020. – 48 б.

маънонинг умумнотқ маданияти ривож, бадий тасвирдаги аҳамиятини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги коннотатив маъноларнинг ўрганилиши тарихини кузатиш ҳамда уларга муносабат билдириш;

ҳар иккала тилдаги фоностилема ва графостилемаларнинг коннотатив маъноларини аниқлаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш;

коннотатив маънонинг юзага келиш сабабларини белгилаш ва нутқдаги аҳамиятини кўрсатиш;

унли ва ундош товушлар талаффузидаги коннотатив маъноларни очиб бериш ва уларнинг бадий нутқдаги услубий хусусиятларини ёритиш;

фоностилема ва графостилемалардаги коннотатив маъноларнинг нутқий тафаккурга таъсирини ўрганиш;

фоностилистик ҳамда графостилистик воситалардан фойдаланишда айрим инглиз ва ўзбек адибларининг маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тиллари жонли сўзлашув нутқи, бадий нутқ услуби материаллари ва луғатлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тиллари жонли сўзлашув нутқида воқеланадиган фоностилемалар ва луғатларда келтирилган графостилемаларнинг коннотатив маънолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда семантик-стилистик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, когнитив-дискурсив ва психоанализ таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида коннотатив маънонинг доимий, узул, одатий ва контекстуал, окказионал, тасодифий кўринишлари фонопрагматик ва графопрагматик жиҳатдан психолингвистик, лингвокультурологик ва социолингвистик омиллар таъсирида воқеланиши; фонопрагматик ракурсда коннотатив маъно нутқ товушларида ифодаланган информатив маънонинг таркибига кириши, уни тўлдириши ва уларнинг фоновариантлари талаффузида ёрқин намоён бўлиши аниқланган;

ҳар иккала тилда унли/ундош товушлар ва сўзлар фоновариантлари талаффузи билан ҳосил бўладиган коннотатив маъноларнинг фонопрагматик функционаллиги қизиқиш, қувонч, ҳайрат, меҳрибонлик, эркалаш каби ижобий; қайғу, жаҳл, нафрат, кўрқув, камситиш, ғазаб каби салбий ички руҳий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда воқеланиши далилланган;

ҳар икки миллат ёзувчи ва шоирлари асарларида қўлланилган аллитерация, ассонанс, ономатопея, протеза, метатеза, элизия сингари фоностилистик воситаларда ифодаланган миллат менталитетига боғлиқ эмоционал-экспрессив маънолар фоностилема ва графостилемаларда диққатни тортиш, таъкидлаш, бўрттириб кўрсатиш, қизиқтириш, ажаблантириш, киноя, график образлилик яратиш каби коннотацияларни қамраб олиши асосланган;

чоғиштирилаётган тиллар нутқ товушлари талаффузида ҳосил бўладиган архаик, диалектал, эмоционал-экспрессив хусусиятли коннотатив маъно

мазкур товушларнинг парадигматик (тил сатҳи) ва синтагматик (нутқ сатҳи) муносабати ҳосиласи эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги товушлар талаффузига хос оҳангдорлик ва жозибадорлик қиёсланганда, ўзбек тилида унли товушлар яқка ҳолда ҳар хил вазиятда турли оҳанг билан айтилишида, аксинча, инглиз тилида эса бу ҳол сўзлар таркибида бўғин типларининг талаффузига кўра коннотатив маъноларнинг юзага келишида аниқланган;

графостилемалардан эмоционал паузаларни ифодалашда қўлланиладиган тире, кўп нуқталарнинг ёзувда ифодаланиши ҳамда поэтик асарларнинг турли ҳайвонот ва наботот шаклларига тақлид қилиб яратилиши билан ҳосил бўладиган коннотатив маъноларнинг чоғиштирилаётган тиллараро фарқланиши асосланган;

лексик жиҳатдан коннотатив маъно денотатив маъно таркибига кирганлиги, фоностилистик жиҳатдан коннотатив маъно нутқ товушлари ҳамда графемаларда ифодаланган информатив маъно устига қўшилганлиги исботланган;

унли ва ундош товушлар талаффузи, товуш такрори, сўз ва грамматик шакллардаги фонетик ўзгаришлар талаффузи билан боғлиқ фонопрагматик муносабатлар, улардан ҳар иккала халқ адибларининг ўз асарларида фойдаланишдаги услубий маҳорати очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг семантик-стилистик, қиёсий-типологик, психолингвистик, когнитив-дискурсив усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларидаги фоностилема ва графостилемаларда ифодаланган коннотатив маъноларнинг нутқдаги ўрни ва услубий хусусиятларини янада чуқур англаш, амалда фойдаланиш, шунингдек, бошқа қардош ва ноқардош тиллар фоностилистикаси ҳамда график стилистикасидаги коннотатив маъноларни қиёслаб ўрганишда муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Чоғиштира тилшунослик», «Фонетика», «Стилистика», «Нутқ маданияти», «Лингвистик таҳлил» фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда; лингвистик ва энциклопедик луғатларни такомиллаштиришда; таржима жараёнида бадиий таъсирчанликка эришиш, ўқувчи ва талабаларда экспрессив таъсирчан нутқ кўникмаларини ҳосил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фоностилистик ва графостилистик воситаларнинг коннотатив маъноларини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

модернистик шеъриятга хос хусусиятлар тавсифида тилдаги фоностилистик ва графостилистик воситаларнинг ўрни, аҳамияти, маънолари, поэтик-услубий имкониятлари билан боғлиқ илмий хулосалардан Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3678-сон маълумотномаси). Натижада ҳарф ва товуш муносабатларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш тамойиллари ҳамда товушлар воситасида маъно ифодалаш кўринишларини аниқлаштиришга эришилган;

инглиз ва ўзбек тилларида нутқ товушлари талаффузида ифодаланаётган коннотатив маънонинг товушлар парадигматик ва синтагматик муносабатида юзага келиши билан боғлиқ илмий хулосалардан Бухоро давлат университетида Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастури доирасида амалга оширилаётган «TALENT – Establishing Master Programmes in Human Resource Management and Talent Development in Central Asia – Марказий Осиёда инсон ресурсларини бошқариш ва бошқарув қобилиятларини ривожлантириш магистратура дастурлари» халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 89-03-4449-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилида ишлаб чиқилган 8 та махсус курснинг ўзбек тилига адекват ўгирилишига ва мазкур курсларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан янада такомиллаштирилишига эришилган;

инглиз ва ўзбек тиллари фоностилема ва графостилемаларининг қиёсий таҳлили, уларда коннотатив маънонинг умумий ва дифференциал хусусиятларига доир илмий хулосалардан тиббиёт олий ўқув юртларининг магистрантлари учун «Nutq madaniyati» номли усулий қўлланмани ёзишда; академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олийгоҳ талабалари учун мўлжалланган «Uzbek-English-Russian phrase-book» номли қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3678-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим талабаларининг инглиз тили луғат бойлигининг ошишига, тиллараро миллий-маданий хусусиятларнинг нутқ жараёнига мувофиқ тарзда интеграллашувига хизмат қилган;

фоностилистик ва графостилистик воситаларнинг коннотатив маънолари ёритилган илмий хулосаларидан Туркия Республикаси Истамбул университетидаги туркиялик ва чет эллик талабаларга фоностилистиканинг асосий йўналишларини тушунтириш бўйича амалга оширилган ишларда фойдаланилган (Истамбул университетининг 2020 йил 25 августдаги маълумотномаси). Натижада ўзбек, инглиз тилшунослиги, стилистикаси соҳалари йўналишида ўтказилган дарсларда фундаментал назарий, илмий ва амалий манба сифатида хизмат қилган;

коннотатив маъно турларининг универсаллиги, инглиз ва ўзбек тилларида психолингвистик, лингвокультурологик ва фонопрагматик муносабатларни ифодалашда коннотациянинг қўлланиши юзасидан олинган

илмий натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Бухоро» телеканалининг «Ассалом, Бухоро», «Махсус репортаж», «Бухоро – шарқ гавҳари» каби туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 9 июлдаги 1/178-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабин ҳамда радиотингловчиларда инглиз ва ўзбек тиллари нутқий мулоқотида сўз ва унинг фоновариантлари талаффузидаги таъсирчанлик, уларнинг кишилар онгига таъсири тўғрисида лисоний тасаввур шаклланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, 2 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коннотациянинг фонопрагматик хусусиятлари**» деб номланувчи биринчи боби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Коннотация ва унинг ўрганилиш тарихи» деб номланади. Бунда тилшуносликдаги денотация ҳамда коннотация, хусусан, фонопрагматик коннотациянинг инглиз ва ўзбек тилларидаги муаммоларининг ўрганилиш тарихи таҳлил этилган ва муносабат билдирилган.

Тил – мураккаб ҳодиса, тилларни қиёслаб ўрганиш ниҳоятда мушкул. Бундай оғир муаммоларни илмий асосда ўрганиш учун кўп тилларни, ҳеч бўлмаганда икки тилни мукамал билиш шарт, тилшунослик соҳасида чуқур билимга эга бўлиш, умуман қиёслаб ўрганиладиган тиллар эгаларининг маданиятини, қадриятларини, тарихини кенг билишни талаб қилади.

Фоностилистика бўйича олиб борган изланишларимиз коннотатив маъноларнинг ранг-баранглиги ва қўлланиш ўрни ҳар хил эканлигини кўрсатди. Коннотатив маъноларнинг рўёбга чиқиши ҳамма тилларда ҳам бир

хил эмас. Айниқса, турли оилаларга мансуб тилларда коннотатив маънолар ўзига хос ифода шаклига эга. Бу ҳол таржимашуносликда анча мураккаб муаммоларни юзага келтиради. Шу сабабли мутаржимдан таржима қилинаётган асарлардаги фоностилистик воситаларда ҳосил бўладиган коннотатив маъноларни чуқур англаш ва билиш талаб қилинади.

Тилда мавжуд денотатив ва коннотатив маъноларни ифодаловчи тил бирликларини ўрганиш орқали семасиологик, психолингвистик, лингвокультурологик ҳамда фоностилистик тадқиқотлар олиб боришга замин тайёрланади. Коннотация ва коннотатив маъно алоҳида қиёсланаётган икки тилда бир қадар ўрганилган. Аммо инглиз ва ўзбек тилларида уларни бири-бирига қиёслаб тадқиқ қилиш амалга оширилмаган. Шунга қарамай, жаҳон тилшунослигида бу муаммони ўрганиш учун қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бундай ишлар сирасига инглиз тилшунослиги бўйича И.Р.Гальперин, Дж.Н.Лич ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин¹¹.

О.С.Ахманова: «Коннотацияда сўзнинг қўшимча мазмуни, унинг асосий маъносига қўшиб қўйилган семантик ёки стилистик ғоялар, турли экспрессив-ҳиссий баҳо оҳанглари ифода этилиши ҳамда баёнотни тантаналилиги, ўйноқилиги, қулайлиги ва бошқалар берилиши мумкинлиги»ни қайд этади¹².

Европа ва рус тилшунослигида коннотация термини А.К.Жолковский, К.Л.Бюлер, А.В.Исаченко, Р.Токарский, Е.Бартминский каби етук олимларнинг илмий асарларида қўлланилган. Семасиологлар коннотацияни экспрессив бўёқ, эмотив ифода деб баҳолайдилар. Психологик йўналишдаги тадқиқотларда эса коннотацияга семантик ассоциациялар сифатида ёндашилади¹³.

Коннотация, коннотатив маъно ҳақида тилшуносликда турли қарашлар мавжуд. Баъзи тилшунослар сўзнинг коннотатив маъноси сўз семантикаси компонентига кирмайди деган фикрни билдирса, айрим тилшунослар коннотатив маъно сўз семантик структурасининг бевосита таркибий қисмларидан бири деб қарайдилар¹⁴.

Тилшунос олимлар Ю.Д.Апресян, С.Г.Бархударов, Н.Г.Комлев, Т.В.Матвеева, И.А.Мельчук, Л.Н.Иорданскаялар коннотатив маъно сўз семантикасининг таркибига киритилганлигини қайд этадилар, уни ўзгарган маънонинг семантикаси, шу жумладан, ҳиссиётларнинг семантик жойлашиши белгиси ҳақидаги ғоялар деб таърифлайдилар.

Т.В.Матвеева коннотацияни тилнинг прагматик ёки экспрессив функциясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лексик маънонинг қўшимча, ихтиёрий элементи сифатида изоҳлайди.

И.В.Арнольд, В.Н.Телия, Э.С.Азнаурова, Е.И.Шендельс, В.И.Шаховскийлар коннотацияни мусиқа ноталари сингари сўзнинг лексик

¹¹ Galperin I.R. Stylistics. – М.: Higher School, 1977. – 328 p.; Leech G.N. Principles of Pragmatics. – London, NY: Longman, 1983. – 250 p.

¹² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1966. – 606 с.

¹³ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – М.: Наука, 1974. – С. 44.

¹⁴ Ҳайдаров А.А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: филол. фан. номз. дисс. – Т., 2009. – Б. 14.

таркибини белгилайдиган маъно тузилишининг элементи сифатида баҳолашади.

И.В.Арнольд коммуникатив тилшунослик нуқтаи назаридан, коннотацияни биринчи турдаги маълумотларга бўлинадиган икки томонлама ахборот тузилишига эга эканлиги ҳақида фикр билдиради. Олимнинг фикрича, прагматик маълумот ижтимоий, тарихий, эстетик характердаги лексик маънонинг субъектив элементидир¹⁵.

Коннотацияга семиотик ёндашувнинг қоидалари ўтган XIX асрнинг иккинчи ярмидан прагматик йўналтирилган асарларда алоҳида тарзда берилган.

Сўздаги прагматик маъно бўйича Г.Росслер иши ҳам мавжуд бўлиб, лингвистик белгининг семиотик моделига таянади. У коннотацияни коммуникатив-прагматик ҳодиса деб билади ва сўзнинг денотатив таркибий қисми қўшимча равишда аниқ ёки яширин коннотатив маъно таркибий қисмларини ўз ичига олиши мумкинлигига эътибор қаратади. Улар маълум бир коммуникатив вазиятда актуаллаштирилиши ёки амалга оширилмаслиги ҳам мумкин. Денотатив компонентлар, аксинча, одатий маънода бўлади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам коннотация, коннотатив маънолар айрим илмий ишларнинг объекти бўлди. Жумладан, тилшунос Э.Қиличевнинг «Бадий тасвирнинг лексик воситалари» монографиясида сўзлардаги денотатив ва коннотатив маънолар ҳақида дастлабки маълумотлар берилган бўлса, Г.Т.Яхшиева, А.А.Ҳайдаровларнинг тадқиқотларида фоностилистик воситалардаги коннотатив маъноларга эътибор қаратилди.

Тил тадқиқотчиси М.Мамадалиеванинг «Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти» номли илмий тадқиқотида от лексемаларининг морфологик шакллари ўз грамматик маъносидан ташқари қўшимча ифода маъносига ҳам эга эканлиги очиб берилган.

М.Содиқова эса ўзбек тилидаги феъл туркуми коннотатив маъноларини семантик-стилистик хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилган¹⁶.

«Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи» илмий тадқиқотнинг муаллифи Н.Ахмедова коннотация семантиканинг экспрессивликни белгиловчи макрокомпоненти эканлиги, номлаш жараёнида воқеликни баҳолаш сифатида пайдо бўлишини очиб берган.

Биринчи бобнинг «Фонопрагматик коннотация» номли иккинчи бўлимида нутқда товуш оҳангининг маълум яширин (иллокутив) мақсад билан қўлланиши натижасида муаллиф муносабатининг ифодаланиши фонопрагматик таҳлил объекти бўлиши кўрсатилган. Бундай прагматик муносабатлар талаффузда товушларни чўзиш, товуш орттирилиши, товуш тушиши, товушларнинг ўрин алмашиши, ундош товушларни иккилантириш, товуш такрори, тақлидий сўзлардаги товуш ўзгаришлари ҳамда грамматик шакл вариантлари талаффузида ифодаланган коннотатив маъноларнинг рўёбга чиқиши ҳар иккала тилдан олинган далилий мисолларда кўрсатилди.

¹⁵ Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М., 2002. – С. 46.

¹⁶ Садькова М. Стилистика глагола в современном узбекском языке: автореф. дисс. доктора филол. наук. – Т., 1977. – 40 с.

Товушларда маъно борми, бўлса, у қандай маъно? Бу ҳақда тилшунослардан М.Ломоносов, В.Гумбольдт, О.Есперсен, Э.Сепирлар нутқ товушларида турли хил маънолар ифодаланишини баён қилганлар. Ўзбек тилшунослигида М.Миртожиев «Товушлардаги маъно» рисоласида сўзларда денотатив ва коннотатив маъно бўлса, фонемаларда информатив ва коннотатив маъно мавжудлигини эътироф этади. Коннотатив маъно тушунчаси тилшуносликда товушлардаги қўшимча маъно бўёғи, ҳиссий маъно, эмоционал-экспрессив маъно, информатив ифода, прагматик ифода, стилистик бўёқ, қўшимча оттенка каби турли атамалар билан ҳам юритилади. Фоностилемалардаги коннотатив маъноларда сўзловчи ва тингловчининг турли: қувонч, қайғу, розилик, иккиланиш, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, шодланиш, таъсирланиш, ёқимлилиқ, мулойимлик, хушмуомалалиқ, эркалаш, суйиш, кўтаринкилик, тантанаворлик, ардоқлаш, жозибаторлик, оҳангдорлик, мусиқийлик, таъкид, ғазаб, хижолат, жирканиш, манманлик каби ижобий ва салбий муносабатлари акс эттирилганлиги қиёсий таҳлил қилинган.

Чоғиштирилаётган тиллардаги фонопрагматик муносабат оппозицион характерга эга эканлиги диссертацияда қайд қилинган.

Диссертациянинг «Сўз ва грамматик шакл вариантларидаги фоностилемаларнинг коннотатив маънолари» деб номланган иккинчи боби тўрт бўлимдан иборат. Унинг «Нутқ товушлари талаффузидаги коннотатив маънолар» биринчи бўлимида инглиз ва ўзбек тиллари унли ҳамда ундош фонемалар талаффузи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган айрим коннотатив маънолар ҳақида фикр юритилади.

Унли товушларнинг турли оҳангларда айтилиши, бўғин ҳосил қилиши, урғу қабул қилиши каби просодик хусусиятларга эгаллиги боис уларда коннотатив маънолар серқирра ва даражаланган бўлади.

Диссертацияда ўзбек ва инглиз тилларидаги унли ҳамда ундош товушларнинг талаффузи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган коннотатив маънолар атрофлича қиёсий таҳлил қилиниб, бадиий адабиётдан мисоллар келтирилган. Бу ўринда улардан айримлари ҳақида фикр юритамиз. **И** унли фонемасининг қаттиқ ва юмшоқ вариантларга эга эканлиги ҳар иккала тилда ҳам коннотатив маъно миқдорини оширади. Бундай коннотатив маънолар сирасига кучли ёки кучсиз ҳаяжон, эсанкираш, тўлқинланиш, безовталиқ, ажабланиш, ҳайрат, ишончсизлик, кутилмаганлик, ғазаб, ўйлаб қолиш, хурсандлик, хафалиқ, ҳадиксираш, эслаш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбек тилидаги **и** фонемасига хос бўлган коннотатив маънолар инглиз тилидаги **і** фонемаси талаффузидаги коннотатив маънолар билан ўхшаш ва айрим фарқлар ҳам мавжуд. Инглиз тилидаги унли товушлар бўғин типларига кўра ажратилади. Масалан, **і** фонемаси ёпиқ бўғинда қисқа [i] товушини, очиқ бўғинда эса [ai] товушини ифодалайди. Нутқда **і** унлисини атайлаб чўзиб талаффуз қилинганда, унда ҳайратланиш, ишончсизлик, таажжубланиш каби қатор коннотатив маънолар юзага чиқади:

– Are you very ri:ch?

– No, living from hand to mouth! (B. Show).

Инглиз тилида **o** фонемасининг турли хил талаффузида бўгин типларига кўра кўрқиш, довдираш, кучли ғазаб каби коннотатив маънолар пайдо бўлади: Suddenly he cried: Santyago-o-o! (I.Voynich). Шунингдек, мазкур товушни чўзиб талаффуз қилиш орқали дўқ-пўписа, қаҳр-ғазаб, илтимос қилиш, ялиниш каби коннотатив маънолар ифодаланиши ҳам мумкин: Don't tell him. – Do-o-o-n't tell him, please!

Ўзбек тилида ҳам **o** фонемасининг турли хил талаффузи натижасида куйидаги коннотатив маънолар англашилади: **o** деганда қувонч, роҳатланиш, ҳайрат, қониқиш, мазза қилиш, лаззатланиш, ишончсизлик, эшлаш ва ҳ. Худди шунингдек, диссертацияда **y**, **э** унли фонемалари ҳамда чоғиштирилаётган тиллардаги айрим ундош товушларнинг турли талаффузида шевага хослик, тарихийлик, нутқий камчилик, ўта ҳаяжонланганлик, сўзловчининг бегона тил вакили эканлиги, маданий савияси, саводхонлик даражаси, эътиборсизлик, талаффуздаги артикуляцион қийинчилик каби қатор коннотатив маънолар юзага чиқиши ва уларнинг бадий нутқдаги услубий хусусиятлари қиёсий таҳлил ва тадқиқ этилган.

Бобнинг иккинчи бўлими «Фонетик такрорда коннотатив маънолар» деб номланади. Мазкур бўлимда фонетик такрорнинг ҳар иккала хусусиятини, яъни бадий тасвирий восита томони ҳамда айнан бир хил товуш (соф фонетик) такрори билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган коннотатив маънолар инглиз ва ўзбек тиллари мисолида очиб берилган.

Умумтилшуносликда аллитерация, ассонанс, эпифора, қофия, ономатопея каби стилистик воситалар бадий такрорнинг турли хил кўринишлари сифатида эътироф этилади.

1-жадвал

Бадий стилистик такрордаги коннотатив маънолар

Фигуралар	Инглиз тилида	Коннотация	Ўзбек тилида	Коннотация
Аллитерация (alliteration)	Silvery songsters sweetly singing Summer's soothing serenade... (B.Franklin)	силликлик, ёқимлилик, эҳтирос, ижобий муносабат	Кўкларда кўкарса кўк кўкатлар, Кўкларга кўмилса катта-катталар... (Элбек)	роҳатланиш, мусикийлик, жарангдорлик, жозоба
Ассонанс (assonance)	Once upon a midnight dreary, while I pondered, weak and weary... (E.A.Poe)	урғу бериш, диққатни тортиш, бўрттириш, оҳангдорлик	Лоланинг лаблари хандадир, Доғи ҳам тубида – андадир... (А.Орипов)	ўйноқилик, мусикийлик, ритмик оҳангдорлик, жарангдорлик
Эпифора (epiphora)	And when the night is cloudy There is still a light that shines on me... («Let it be»)	эвфоник таъсирчанлик, қизиқиш, жозибаторлик, кучайтириш	Қалбим, меҳрим, муҳрим, давлатим, Ардоқлаган, кўрким, савлатим... (Фаҳриёр)	шодлик, роҳатланиш, кўтаринкилик, эҳтирос
Қофия (rhyme)	Those evening bells! Those evening bells! How many a tale their music tells... (T.Moore)	товуш оҳангдорлиги, эмоция, қониқиш, муносабат	Ишлаган тишлайди, Ишламаган кишнайди (Мақол)	чақирик, кучайтириш, таъкид, интенсивлик
Ономатопея (onomatopoeia)	Then with enormous, shattering rumble, sludge-puff, sludge-puff, the train came into the station (A.Saxton)	интенсивлик, кучайтириш, шодлик, садо	Унинг хурраги ҳам адабийроқ эди: «плук-кумпрр...плук-кумпрр» (А.К.)	тақлид, ўхшатиш, кулги, ҳажв

Инглиз ва ўзбек тилларида фонетик такрорнинг бошқа бир кўриниши ҳам мавжуд. Бу сўзларнинг турли ўринларида айнан бир хил унли ёки ундош товушларнинг такрорланишидир. Нутқдаги бу ҳодиса сўзларнинг бошида, ўртасида ҳамда охирида учрайди ва турли хил коннотатив маъноларни ифодалайди.

2-жадвал

Талаффузда айнан бир хил товуш (соф фонетик) такрорининг коннотатив маънолари

Товуш ўрнига кўра такрор	Инглиз тилида	Коннотатив маъно	Ўзбек тилида	Коннотатив маъно
Сўз бошида At the beginning of the word	G-g-good morning! May I c-c-come in? (B. Show)	мулойимлик, кўркинч, ҳадиксираш, кучли ҳаяжон	Ҳҳазар! Алҳазар, ссендай ппадаркушдан! – деди хириллаб. (О.Ё.)	ғазаб, нафрат, норозилик, жирканиш, қайғу
Сўз ўртасида In the middle of the word	Whooooo got my golllllden arrrrm? (R.P.)	белгини кучайтириш, таъкидлаш, бўрттириш	– Ўзинг кимсан? Эш-ш-ш-ак! (Ў.Ҳ.)	ҳақорат, камситиш, ғазаб, хўрлаш
Сўз охирида At the end of the word	... marvellousss people are at the next table to the door. (S. M.)	ҳайратланиш, таажжубланиш, ишончсизлик	Одамларррр, одамларррр! Мен сизларни севар эдим. (Ю.Ф.)	муружаат, нажот, ҳайкирик

Кўринадик, чоғиштирилаётган тиллардаги сўзларнинг талаффузида нутқ товушларини сўзнинг турли ўринларида такрор қўллаш, ёзма нутқда эса ушбу талаффуз ҳодисаларини график жиҳатдан айнан акс эттириш фоностилистик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги такрорда ҳосил бўладиган коннотатив маънолардан ёзувчи ҳамда шоирлар унумли фойдаланишган. Бу ўринда бадий такрорнинг аллитерация кўриниши ҳақида ҳар иккала тилдан олинган мисолларни қисқача қиёслаймиз.

Фонетик такрорнинг аллитерация кўриниши ҳар иккала тилда ҳам бир хил услубий аҳамиятга эга. Шеърин нутқда мисралар бошида такрорланиб келган талаффузи ва ёзилиши бир хил ундошларнинг аллитерациясида оҳангдорлик, муסיқийлик, ҳиссий бўёқ, жозиба, қониқиш, роҳатланиш, тафаккур ривож, воқеликка муносабат, завқланиш каби қатор коннотатив маънолар рўёбга чиқади. Бундай коннотатив маънолар инглиз шоири Э.А.Понинг «The Raven» шеърида **d** ундошининг такрорида ифодаланганлигини кўриш мумкин:

Deep into the darkness peering, long I stood there wondering, fearing
Doubting, dreaming dreams no mortal ever dared to dream before...

Ўзбек шоирлари ҳам назмий асарларининг таъсирчанлигини оширишда аллитерациядан унумли фойдаланганлар. Шулардан бири шоир Миртемирнинг «Ёз ёмғири» шеърида ҳам бу ҳодисани кўриш мумкин:

Сим-сим ёмғир, сирли соз мисол.

Пичирлайди она табиат.

Сахийлиги ортгандай қат-қат,

Гўё дейди: ол, ол, олиб қол...

Мисрадаги айрим сўзлар бошида с ундошининг аллитератив қўлланиши орқали завқланиш, қониқиш, эҳтирос каби коннотатив маънолар ифодаланган.

Диссертацияда бадий такрорнинг ассонанс, эпифора, қофия, ономотопея кўринишларида ҳосил бўладиган коннотатив маънолардан ҳар иккала халқ адиблари услубий жиҳатдан унумли фойдаланганликлари атрофлича таҳлил ва тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими «Фонетик ўзгаришли сўзлардаги коннотатив маънолар» деб номланган. Илмий адабиётларда фонетик ўзгаришли сўзларнинг йигирмадан ортиқ кўринишлари қайд этилган. Диссертацияда протеза, эпентеза, эпитеза, аферезис, синкопа, элизия, апокопа, метатеза ҳодисалари талаффузидаги коннотатив маънолар ҳақида фикр юритилади. Инглиз тилидаги лингвистик адабиётларда фонетик ҳодисаларнинг номланиши, жойлашиш тартиби, мазмуни ҳақида турли хил маълумотлар учрайди¹⁷. Диссертацияда улардан баъзи бирлари таҳлил ва тадқиқ этилади.

Сўзлар олдида бир товуш ёки бўғин орттирилиши билан ҳосил бўладиган протеза ҳодисаси чоғиштирилаётган тилларда учрайди. Нутқда товуш орттирилиши ёрдамида прагматик семанинг юзага келиши фоностилистик сатҳ билан боғлиқ бўлади. Протезали сўзлар, асосан, чоғиштирилаётган тилларнинг оғзаки нутқ шаклига хосдир. Нутқдаги протезали сўзларнинг фонетик вариантлари талаффузида сўзловчининг маданий савияси ва бундай сўзларни талаффуз эта олмаслик қобилиятининг суствлиги, ички ҳиссиёти каби коннотатив маънолар ўз аксини топади.

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида сўз олдида бир товуш орттирилишидан ташқари бўғин ҳам орттирилиб талаффуз қилиниши мумкин: – Old fond eyes, beweeep this cause again... (W. Shakespeare).

Мисолдаги weep сўзи бошига У. Шекспир be- бўғинини қўшиш билан beweeep сўзини ҳосил қилган ва унинг таъсирчанлигини оширган.

Талаффузда сўз бошида бир товуш орттирилиши билан турли хил коннотатив маънолар ҳосил бўлишини бадий асарлардан олинган қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин: Tearing of papers, breaking rings a-twain, Storming her world with sorrow's wind and rain (W. Shakespeare).

«Venus and Adonis» поэмасидан олинган ушбу парчадаги twain сўзи бошига **a** [æ] товушини қўшиб талаффуз қилиш орқали эмфатик ҳолат содир этилган.

Ўзбек тилида товуш орттирилиш ҳодисаси, асосан, четдан қабул қилинган сўзларда кузатилади: стакан – истакан, скамейка – искамейка, справка – исправка, рус – ўрис сўзларидаги каби. Протезали сўзлардан А.Қодирий персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда усталик билан фойдаланган.

Чоғиштирилаётган тилларда метатеза ҳам турли хил қўшимча коннотатив маънолар ҳосил қилади. Бундай коннотатив маънолардан нутқ муаллифининг

¹⁷ Berg T. Linguistic Structure and Change: An Explanation from Language Processing. – Oxford, United Kingdom: Oxford University Press, 1998. – P. 45.

нафақат адресатга, балки воқеа-ҳодисаларга ҳам прагматик муносабати англашилади.

Инглиз тилининг кўп вариантга эга эканлиги инобатга олинса, унинг Америка инглиз вариантыда қуйидаги метатезали ҳолатларни кўриш мумкин: asterisk /æstə'iks/, cavalry /kælvəri/, comfortable /kʌmfətəbl/, foliage /fəʊlɪdʒ/, pretty /prɛ'ti/, relevant /revelent/, bird /brid/ каби. Бундай сўзлар талаффузида шевага хослик, эркинлик, эътиборсизлик каби коннотатив маънолар ифодаланган.

Инглиз бадий адабиётида метатезали сўзлардан англашилган коннотатив маънолардан турли персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, ҳис-ҳаяжонларини ифодалаш, китобхонга завқ бағишлаш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Метатеза ҳодисаси ўзбек тилидаги сўзлар талаффузида ҳам, айниқса, болалар нутқида кўплаб учрайди. Одатда, сўзларда товушларнинг ўрин алмашиши кўпинча ёнма-ён келган сонор товушлар талаффузида учрайди: ёмғир /ёғмир/, тупроқ /турпоқ/, айланмоқ /айналмоқ/, киприк /кирпик/ каби.

Болалар нутқидаги метатезали сўзлар талаффузида эътиборсизлик, баъзан ёқимлилик қўшимча маънолари ифодаланади. Катталар нутқида эса шевага хослик коннотатив маънолар акс этади. Бадий тасвирда эса воқеликни реал акс этиш фонопрагматик муносабатини ифодалайди.

Диссертацияда фонопрагматик муносабат ифодаловчи фонетик ўзгаришли сўзлардан эпентеза, эпитеза, аферезис, синкопа, элизия, апокопалардаги коннотатив маънолар ва уларнинг услубий хусусиятлари атрофлича таҳлил ва тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлими «Грамматик шакл фонетик вариантларидаги фоностилемаларнинг коннотатив маънолари» деб номланган бўлиб, унда, асосан, инглиз ва ўзбек тилларидаги мустақил сўз туркумларига хос фонетик ўзгаришли айрим грамматик шакллар ва уларда ҳосил бўладиган коннотатив маънолар ҳақида фикр юритилган.

Гарчи инглиз тили аналитикликка мойил флектив тил бўлса-да, унда айрим грамматик шакл фоновариантлари ҳам учрайди. Масалан, феълнинг учинчи шахс бирликдаги -th (he maketh) қўшимчаси ва феълнинг ўтган замон формасини ясовчи -de (dest, den) қўшимчалари замонавий инглиз тилида архаик форма бўлиб, ҳозирги инглиз тилида ҳам ундан камдан-кам ҳолларда фойдаланилади ва матнга тарихийлик, антик давр руҳи, ҳаққонийлик, ишончлиликлка эришиш каби қўшимча фонопрагматик муносабат бағишлайди:

... He maketh wars to cease unto the end of the earth; he breaketh the bow, and cutteth the spear in sunder; he burneth the chariot in the fire¹⁸.

I tolde thee, that I had lorn.

